ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ

2018 ЙИЛ
ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ

Гулистон – 2019 й.

СЎЗ БОШИ

Сирдарё вилоятининг статистик ахборотномаси вилоятнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Вилоят статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь-декабрь ойлари якунлари бўйича Сирдарё вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I-чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР	9
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	**10-12**
Тармоқлар бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш	10
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	11
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари	12
II. САНОАТ	**13-24**
Январь-декабрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби	13
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноати	14
Ишлаб чиқарадиган саноат	14
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	15
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш	16
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	16
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	18
Ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқариши	19
Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	21
Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси	22
Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши	22
Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши	23
Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари	24
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	**25-31**
Ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар ҳажми ҳудудлар кесимида	25
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши	26
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	26

Номи	бет.
Деҳқончилик	28
Чорвачилик	31
IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ	**37-51**
Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари	37
Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар	38
Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши	39
Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби	42
Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича таркиби	43
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар	43
Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби	45
Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар	45
Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши	48
Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш	48
Ишга туширилган турар жойлар	49
Қурилиш ишлари	50
Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари	51
Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари	51
V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	**53-59**
Иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалар	53
Ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалар	54
Зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари	55
Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати	56
Иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби	57

Номи	бет.
Вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги	57
Вазирлик ва идораларнинг кредитор қарздорлиги	57
Иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби	58
Алоҳида хўжалик бошқарув органларининг дебитор ва кредитор қарздорлиги	59
VI. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК	**60-67**
Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши	60
Кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари	61
Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда).	62
Кичик тадбиркорликнинг ЯИМ даги улушининг кўпайиш динамикаси	64
Кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши	64
Иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорликнинг улуши	65
Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати	66
Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати	66
Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръати	67
Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати	67
VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	**68-78**
Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг туман, шаҳарлар бўйича тақсимланиши	68
Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши	69
Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши	70

Номи	бет.
Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий - ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши	71
Ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг сони ва улуши	72
Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар бўйича сони ва улуши	73
Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар	74
Оилавий корхоналар	78
VIII. ХИЗМАТЛАР	**79-84**
Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони	79
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш	80
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари	81
Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби	82
Туман, шаҳарлар кесимида бозор хизматлари ишлаб чиқариш	82
Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши	83
Ҳудудлар кесимида ишлаб чиқарилган хизматларнинг ўсиш суръати	83
Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати	84
IX. ТРАНСПОРТ	**85-86**
Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси	85
Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси	86
X. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ	**87-93**
Чакана савдо товар айланмаси таркиби	87
Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши	88
Ҳудудлар бўйича чакана савдо товар айланмаси	89
Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси	90
Чакана савдо товар айланмасида йирик корхоналар ва кичик тадбиркорликнинг улуши	91
Ҳудудлар бўйича улгуржи савдо товар айланмаси	92
Ҳудудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми	93

Номи	бет.
XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ	**94-101**
Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси	94
МДҲ ва бошқа давлатларнинг вилоят ташқи савдо айланмасидаги улуши	95
Вилоят ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича тақсимланиши	96
Товар ва хизматларнинг ойлик экспорт-импорт кўрсаткичлари динамикаси	96
Вилояти товар айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси	97
Экспорт ва импорт таркиби	98
МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби	101
XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ	**102-107**
Туман, шаҳарлар бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот	102
Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши	103
Вилояти аҳолисининг табиий ҳаракати	104
Никоҳ	106
Никоҳдан ажралишлар	107
Аҳоли миграцияси	107
XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ	**109-111**
Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	109
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	110
Вилоят бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	111

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	-	ялпи ҳудудий маҳсулот	0,0	-	катта бўлмаган миқдор
%.	-	фоиз	м.	-	марта
млрд.	-	миллиард	-	-	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.	-	миллион	га	-	гектар
млн.АҚШ долл.	-	миллион АҚШ доллари	т	-	тонна
минг.	-	минг	дона	-	дона
кв.	-	квадрат	йўловчи/км	-	йўловчи-километр
км	-	километр	Мбит/с	-	Мегабит /сония
м	-	метр	1), 2), 3).....	-	изоҳнинг мавжудлиги

Макроиқтисодий кўрсаткичлар
(2018 йил январь-декабрь)

	Млрд. сўм	*2017 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида*
Ялпи ҳудудий маҳсулот	8 200,5	102,1
Саноат маҳсулоти	4941,7	110,4
Истеьмол товарлари	1954,1	111,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) лари	6923,9	97,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2154,6	111,7
Қурилиш ишлари	733,3	109,1
Юк айланмаси *(млн. т/км)*	228,1	102,9
Йўловчи айланмаси (*млн. йўловчи/км)*	2310,2	103,2
Чакана савдо товар айланмаси	2275,5	103,5
Хизматлар, жами	1 941,1	109,7
Ташқи савдо айланмаси, *(млн. АҚШ. долл)*	304,3	105,2
Экспорт	131,4	90,9
Импорт	172,9	119,6
Сальдо *(+,–)*	-41,5	x

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 8200,5 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,1 фоизни ташкил этди.

2018 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 124,9 фоизни ташкил қилди.

Тармоқлар бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш

(2018 йил январь-декабрь ҳолатига)

	млрд.сўм		*2017 йил январь-декабрига нисбатан % ҳисобида*
	2017 йил	*2018 йил*	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**6432,2**	**8200,5**	**102,1**
шу жумладан:			
тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	6188,4	7750,1	101,9
маҳсулотларга соф солиқлар	243,8	450,4	106,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**6188,4**	**7750,1**	**101,9**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3112,9	3895,8	97,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1546,0	2022,4	107,1
саноат	1297,6	1691,0	106,7
қурилиш	248,4	331,4	109,1
Хизматлар	1529,5	1831,9	104,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	339,6	412,7	102,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	309,8	333,3	104,3
бошқа хизматлари	880,1	1085,9	105,7

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 97,9 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 50,3 фоиз), саноат – 106,7 фоиз (21,8 фоиз), қурилиш – 109,1 фоиз (4,3 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 102,5 фоиз (5,3 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 104,3 фоиз (4,3 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 105,7 фоиз (14,0 фоиз) ни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби

(январь–декабрь ҳолатига, жамига нисбатан фоизда)

2018 йилнинг январь-декабрида ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 23,6 фоизни ташкил қилди, бу эса 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 1,1 пунктга камдир (24,7 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,7 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 4,3 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,2 пунктга камайди ва 5,3 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2017 йил январь–декабрдаги 14,2 фоиздан 2018 йил январь-декабрда 0,2 пунктга камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби

(январь–декабрь ҳолатига, жамига нисбатан фоизда)

	2017 йил	*2018 йил*	*Фарқи (+ ; –)*
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**100**	**100**	**0,0**
шу жумладан:			
тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	96,2	94,5	-1,7
маҳсулотларга соф солиқлар	3,8	5,5	1,7

	2017 йил	2018 йил	Фарқи (+ ; –)
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**100**	**100**	**0,0**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	50,3	50,3	0,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	25,0	26,1	1,1
саноат	21,0	21,8	0,8
қурилиш	4,0	4,3	0,3
Хизматлар	24,7	23,6	-1,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5,5	5,3	-0,2
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	5,0	4,3	-0,7
бошқа хизматлари	14,2	14,0	-0,2

ЯҲМ таркибида асосий тармоқларнинг 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан энг юқори ўсиш суръатлари саноат (106,7 %), қурилиш (109,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа (104,3 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар (105,7 %) соҳаларида кузатилди.

2018 йил январь-декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари



ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 76,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2017 йил январь-декабрига нисбатан 0,4 фоизга кўпайди (76,5 фоиз).

II. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йил январь-декабрь ойларида вилоят корхоналари томонидан 4941,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 110,4 % ни, саноат ишлаб чиқариш индекси эса 106,7 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 7,5 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига қўшган ҳиссаси 6,5 %), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг 46,9 % га (0,02 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 9,5 % га (3,5 %) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг 2,4 мартага (0,4 %) ўсиши ҳисобланади.

Январь-декабрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби

(жами саноат махсулотлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан %)

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2018 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 10,5 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,2 % ни ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 46,9 % га ошганлигини кузаташ мумкин.

Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 3086,8 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 62,5 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғнинг улуши 4,6 % ни (2017 йил январь-декабрь ойларида - 4,2 %), ўрта-юқори технологиялини - 6,1 % (3,6%), ўрта-қуйи технологиялини - 9,1 % (9,8%) ва қуйи технологиялини - 80,2 % (82,4%) ташкил этди.

Январь-декабрь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да



Ўз навбатида саноатнинг мазкур тармоғида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсимлик ёғи (тозаланган), хўжалик совуни, буғдой ва буғдой-жавдар уни, табиий асфальт, қуйиш учун тайёр бетон ва чакана савдо учун қадоқланган, фармацевтик моддалар билан қопланган ёки шимдирилган пахта, бинт ва шу каби материаллар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан пасайганлигини кузатиш мумкин.

Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

	Ўлчов бирлиги	*2018 йил январь-декабрь*	*2017 йил январь-декабрь ойига нисбатан, % да*
Чигитдан олинган кунжара ва бошқа қаттиқ чиқиндилар	*минг тн*	43,6	86,2
Соапстоклар (нейтраллаш жараёни маҳсулоти)	*тн*	1055,4	90,2
Дон экинларини қайта ишлашдан ҳосил бўлган кепак, чигит ва бошқа чиқиндилар	*минг тн*	11,7	105,3
Йирик шохли қорамоллар учун тайёр озуқа (кўп компонентли аралашмалардан ташқари)	*минг тн*	22,6	89,4
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	*минг тн*	4,1	86,5
Ёғоч целлюлозаси ва бошқа толали материаллардан олинган целлюлоза	*кг* 90% с.в.	778550	51,3
Бошқа гуруҳларга киритилмаган бўлак, брусок ва шу каби шакллардаги совун ва юзаки актив органик моддалар	*тн*	1252,0	83,9
Чакана савдо учун қадоқланган, фармацевтик моддалар билан қопланган ёки шимдирилган пахта, бинт ва шу каби материаллар	*тн*	487,4	87,4
Ароқ	*минг л 100% спирт*	1076,8	81,6
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	*минг тн*	36,3	103,8

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 1649,5 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 33,4 % ни) ташкил этди.

	Ўлчов бирлиги	*2018 йил январь-декабрь*	*2017 йил январь-декабрь ойига нисбатан, % да*
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш			
Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси	*млн.кВт/с*	15762,7	104,6
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	*минг Гкал.*	182614,1	117,1

Сўнгги 5 йил ичида ишлаб чиқарилган электр энергияси (ИЭМ ишлаб чиқарган) тақосланганда энг кўп ишлаб чиқариш 2016 йилнинг январь-декабрь ойларига тўғри келмоқда (2014 йил–16,2 млрд.кВсоат, 2015 йил-16,7 млрд.кВсоат, 2016 йил-17,4 млрд.кВсоат, 2017 йил–15,5 млрд.кВсоат, 2018 йил–15,8 млрд.кВсоат).

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш ҳамда буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тизими ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,5 % га ошганлиги кузатилди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 195,0 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 3,9 % ни) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан шаҳар хўжалигининг қайта фойдаланишга яроқсиз хавфсиз чиқиндиларни йиғиш бўйича хизматлар – 2,7 мартага ошганлиги кузатилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

	Млрд. сўм	*2017 йил январь-декабрь ойига нисбатан, % да*
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш - жами	**4941,7**	**110,4**
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	**10,5**	**146,9**
улардан:		
Тоғ- кон саноатининг бошқа турлари	10,5	146,9

	Млрд. сўм	*2017 йил январь-декабрь ойига нисбатан, % да*
Қайта ишлаш саноати	**3086,8**	**107,5**
ундан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	891,7	111,4
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1525,5	103,2
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	22,0	90,1
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,4	48,5
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	41,0	134,5
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	143,8	125,3
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	233,7	92,8
Металлургия саноати	5,1	75,1
Машина ва ускуналардан ташкари тайёр металл буюмлар ишлаб чикариш	16,1	85,9
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чикариш	171,9	161,9
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	35,6	97,6
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	**1649,5**	**109,5**
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	**195,0**	**235,4**

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан (111,2 %) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 39,5 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари

(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 40,1 % дан 2018 йил январь-декабрь ойларида 41,3 % га ошиши кузатилмоқда.

Кейинги беш йилнинг тегишли даврларидаги озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни таққослаганда, ушбу кўрсаткичнинг истеъмол товарларининг умумий ҳажмидаги энг катта улуши 2015 йилнинг январь-декабр ойларига тўғри келмоқда (2014 йил - 57,4 %, 2015 йил – 63,8 %, 2016 йил – 60,5%, 2017 йил – 40,1%, 2018 йил – 41,3%,).

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан % да

(январь-декабрь ойлари учун)

Ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқариши

Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Гулистон (2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 122,2 %) ва Янгиер (144,6 %) шаҳарлари ҳамда Мирзаобод (216,5 %), Сирдарё (113,4 %) ва Сайхунобод (110,0 %) туманларида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланди.

Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари

(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)



Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Ширин (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмида 31,8 %), Гулистон (15,0 %) шаҳарлари ҳамда Сирдарё (21,6 %) ва Боёвут (6,2 %) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Туман ва шаҳарларнинг вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, жамига нисбатан % да

(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Шу билан бирга энг кам улуши Оқолтин (3,4 %), Сардоба (2,6 %), Гулистон (2,4 %), ва Ховос (2,2 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми

(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

	Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда [1)]	*2017 йил январь-декабрь ойига нисбатан, % да*	*Истеъмол товарлари, млрд. сўмда [1)]*	*2017 йил январь-декабрь ойига нисбатан, % да*
Сирдарё вилояти	**4941,7**	**110,4**	**1954,1**	**111,2**
шаҳарлар:				
Гулистон	740,7	122,2	363,9	116,2
Ширин	1571,6	109,3	18,8	97,2
Янгиер	195,1	144,6	119,2	218,9
туманлар:				
Боёвут	305,6	63,5	184,2	47,1
Гулистон	117,9	90,3	59,1	98,4
Мирзаобод	293,3	216,5	226,1	182,2
Оқолтин	166,9	104,7	61,9	109,5
Сардоба	130,6	104,7	57,0	109,6
Сайхунобод	240,0	110,0	119,3	113,9
Сирдарё	1068,8	113,4	654,5	133,8
Ховос	111,2	106,1	90,1	97,1

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Ширин шаҳрида (84954,0 минг сўм), Сирдарё туманида (8570,8 минг сўм), Гулистон шаҳрида (8360,6 минг сўм), ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (6006,0 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда*

Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

	2018 йил январь-декабрь ойлари	*2017 йил январь-декабрь ойлари*	*2017 йил январь-декабрь ойига нисбатан,%*
Сирдарё вилояти	**6006,0**	**4650,5**	**108,6**
шаҳарлар:			
Гулистон	8360,6	5388,8	121,3
Ширин	84954,0	68035,1	108,7
Янгиер	4644,4	2887,0	141,8
туманлар:			
Боёвут	2423,7	3069,5	62,4
Гулистон	1691,5	1750,2	88,2
Мирзаобод	4160,0	1730,8	211,9
Оқолтин	3305,7	2754,0	103,1
Сардоба	2036,8	1756,9	102,7
Сайхунобод	3187,9	2509,5	108,1
Сирдарё	8570,8	6284,3	111,8
Ховос	1197,9	1041,2	104,5

Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига истеъмол товарлари
ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Гулистон (2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 121,3 %) ва Янгиер (141,8 %) шаҳарларида ҳамда Мирзаобод (211,9 %) туманида кузатилди. Шу билан бирга, Гулистон (88,2 %) ҳамда Боёвут (62,4 %) туманларида ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,5 % га ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 52,1 % ташкил этмоқда.

Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Гулистон (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 75,8 %) шаҳар, Мирзаобод (100,0 %), Сирдарё (86,3 %) ва Боёвут (72,6 %) туманларида ташкил қилган бўлса, энг кам улуш Ширин (1,2 %) шаҳар, Оқолтин (43,4 %) ва Сардоба (41,6 %) туманларида кузатилди.

Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, % да

(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши

Вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастур доирасида киритлган 13 та лойиҳа бўйича 49,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, 505,4 минг АҚШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг ўсиш суръати 7,8 % га, уларнинг экспорти эса 12,5 % га ошганлигини кузатиш мумкин.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари

(январь-декабрь ойлари учун)

	2017 йил	*2018 йил*
Лойиҳалар сони, *бирлик*	10	13
Корхоналар сони, *бирлик*	9	9
Ишлаб чиқариш ҳажми, *млрд. сўм*	45,6	49,2
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот хажми, *млн. АҚШ долл.*	449,2	505,4
Яратилган янги иш ўринлари, *бирлик*	96	0

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 1027,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,8 % ни ташкил этди. Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 18,0 % ни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 20,8 % гача ошди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши



Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмини ошишига қўшма корхоналарнинг қўшган ҳиссаси 2,2 % ни ташкил этди, бу иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва либераллаштиришни, жаҳон бозорида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишни имконини берди

Қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарининг улуши 23,3 %, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналари улуши

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда вилоятда 1269 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 388 таси Гулистон шаҳрига, 248 таси Сирдарё туманига, 129 таси Янгиер шаҳрига, 99 таси Сайхунобод туманига, 93 таси Боёвут туманига, 71 таси Гулистон туманига, 78 таси Мирзаобод туманига, 61 таси Ховос туманига, 40 таси Сардоба туманига, 31 таси Оқолтин туманига ва 31 таси Ширин шаҳрига тўғри келади.

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик

(2019 йил 1 январь ҳолатига)



Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятда 251 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан 22,3 %и Гулистон шаҳрига, 19,5 %и Сирдарё туманига, 12,7 %и Янгиер шаҳрига, 5,6 %и Оқолтин туманига, 8,0 %и Сайхунобод туманига, 6,8 %и Боёвут туманига, 6,0 %и Сардоба туманига, 8,4 %и Мирзаобод туманига, 4,8 %и Ховос туманига, 3,2 %и Ширин шаҳри ва 2,8 %и Гулистон туманига тўғри келади.

III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 6923,9 млрд. сўм (2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 97,9 %)ни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 6539,9 млрд. сўмни (97,6 %), ўрмон хўжалигида – 355,4 млрд. сўмни (100,1 %), балиқ хўжалигида – 28,6 млрд. сўмни (139,1 %) ташкил қилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)нинг ҳажми



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Сайхунобод (100,4) Ховос (100,3 %), Сирдарё, Мирзаобод (100,2 %) ва Оқолтин (100,1 %) туманларида кузатилди. Боёвут (93,7 %), Гулистон (96,5 %) ҳамда Сардоба (94,5 %) туманларида эса аксинча ўсишнинг паст суръатлар кузатилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши



Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Мирзаобод ва Сирдарё туманларининг улуши 13,9 % ни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда. Сайхунобод ва Боёвут туманлари мос равишда 13,3 % ва 12,7 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Ховос (11,9%), Гулистон (8,5 %) ва Оқолтин (11,7 %) туманларида қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 97,6 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 97,0 % ни, чорвачилик маҳсулотлари – 98,4 % ни ташкил қилди.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши

Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	• **59,8 %**
Фермер хўжаликлари	• **30,8 %**
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	• **9,4 %**

Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 59,8 % и – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 30,8 % и – фермер хўжаликларига, 9,4 % и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатди.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши (% ҳисобида)



Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти улушининг хўжаликлар тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.

Энг юқори кўрсаткичлар Гулистон (73,1 %), Сирдарё (67,6 %), шунингдек Боёвут (66,8 %) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида фермер хўжаликларининг барча тоифадаги хўжаликларга нисбатан улуши ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар Оқолтин (44,5 %), Ховос (38,4 %) ва Сардоба (36,9 %) туманлари ҳиссасига тўғри келишини кўрсатди.

Деҳқончилик

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 3806,5 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 97,0 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 59,8 % ни ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		*шу жумладан:*					
			фермер хўжаликлари		*деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	тонна	*ўсиш суръати %*	*тонна*	*ўсиш суръати %*	*тонна*	*ўсиш суръати %*	*тонна*	*ўсиш суръати %*
Дон экинлари	434162	100,8	368819	99,7	50440	98,1	14903	158,4
Картошка	54485	104,8	1737	57,6	52748	107,7	0,0	0,0
Сабзавотлар	288608	95,3	58119	87,9	227189	97,0	3300	136,1
Полиз	265005	81,1	103438	59,6	156504	104,9	5063	118,0
Мевалар ва резаворлар	38415	87,6	9716	56,3	28303	106,8	396	388,2
Узум	13735	112,7	731	51,3	12854	120,5	150	159,6

Ҳосилни йиғиб олиш. 2018 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда дон экинлари 434162 тонна (2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 100,8 %), картошка 54485 тонна (104,8 %), сабзавотлар 288608 тонна (95,3 %), полиз 265005 тонна (81,1 %), мевалар ва резаворлар 38415 тонна (87,6 %), узум 13735 тонна (112,7 %) ишлаб чиқарилган.

Асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжаликлар тоифаларининг улуши



Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари деҳқончилик маҳсулотларининг аксарият турларини асосий ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади. Ҳисобот даврида картошка умумий ҳажмининг 96,8 % и, сабзавотларнинг 78,8 % и, озиқабоп полиз маҳсулотларининг 59,1 % и, мева ва резаворларнинг 73,7 % и, узумнинг 93,6 % и улар томонидан ишлаб чиқарилди. Дон экинларининг асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилди, ишлаб чиқарилган жами дон экинларининг 84,9 %и улар ҳиссасига тўғри келади.

2018 йил январь-декабрь ойларида худудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Дон экинлари *(тонна)*

Картошка *(тонна)*

Сабзавотлар *(тонна)*

Полиз *(тонна)*

давоми

Мевалар ва резаворлар *(тонна)*

Узум *(тонна)*

Чорвачилик

Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2690,4 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 98,4 % ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 38,9 %ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 57076 тонна гўшт (2017 йилнинг январь-декабрга нисбатан -9,3 % га кам), 350540 тонна сут (10,5 % га кўп), 145816 минг дона тухум (14,0 % га га кўп), 596 тонна жун (-10,5 % га кам) ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		*шу жумладан:*					
			фермер хўжаликлари		*деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	Миқ-дори	*ўсиш суръати, %*	*Миқ-дори*	*ўсиш суръати, %*	*миқ-дори*	*ўсиш суръати, %*	*миқ-дори*	*ўсиш суръати, %*
Гўшт тирик вазнда, тонна	57076	90,7	1465	141,3	55236	89,7	375	105,9
Сут, тонна	350540	110,5	9346	123,4	332669	109,7	8525	135,6
Тухум, минг. дона	145816	114,0	1705	80,9	126923	114,7	17188	113,5
Жун, тонна	596	89,5	49	104,3	539	87,8	8	160,0
Пилла тонна	400,9	301,7	235	191,5	-	-	165,9	1626,4

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, тирик вазндаги гўшт умумий ҳажмининг 96,8 % ни деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, шунингдек сутнинг 94,9 %, тухумнинг 87,0 %, жуннинг 90,4 %, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келишини қайд қилиш зарур.

Ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Гўшт *(тонна)*



Сут *(тонна)*

Тухум *(минг. дона)*



Пилла *(тонна)*



Асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжаликлар тоифаларининг улуши

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига хўжаликлар тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Барча тоифадаги хўжаликлар		*шу жумладан:*					
			фермер хўжаликлари		*деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	бош	*ўсиш суръати, %*	*бош*	*ўсиш суръати, %*	*бош*	*ўсиш суръати, %*	*бош*	*ўсиш суръати, %*
Йирик шохли қорамоллар	432693	104,7	21900	96,8	402973	105,3	7820	98,2
шу жумладан сигирлар	152049	114,3	7530	93,4	141615	115,9	2904	108,5
Қўй ва эчкилар	333171	104,1	29390	109,9	298827	103,4	4954	114,1
Паррандалар минг бош	1921,3	111,9	79,5	238,7	1501,9	113,0	339,9	95,6

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 432693 бошга, шу жумладан сигирлар – 152049 бошга, қўй ва эчкилар – 333171 бошга, паррандалар – 1921,3 минг бошга етди.

2017 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони – 19540 бошга (4,7 % га), шу жумладан сигирлар – 19072 бошга (14,3 % га), қўй ва эчкилар – 13168 бошга (4,1 % га) кўпайган бўлса, паррандалар – 203,9 минг бошга (11,9 % га) кўпайди.

Чорва моллари ва паррандалар бош сонида хўжаликлар тоифаларининг улуши



2019 йилнинг 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 5,1 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 93,1 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,8 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 8,8 % и фермер хўжаликларига, 89,7 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,5 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, шунингдек паррандалар умумий сонидан 4,1 % и фермер хўжаликларига, 78,2 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 17,7 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

Йирик шохли қорамоллар *(бош)*

шу жумладан сигирлар *(бош)*

Қўйлар ва эчкилар *(бош)*

Паррандалар *(минг бош)*

IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида Сирдарё вилоятида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2154,6 млрд. сўм (доллар эквивалентида 267,0 млн. АҚШ долл.) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 111,7 % ни ташкил қилди.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Сирдарё тумани 48 та (44,0 %), Гулистон шаҳрида 22 та (20,2 %) ва Янгиер шаҳрида 12 та (11,0 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Ховос 1 та (0,9 %), Гулистон 1 та (0,9 %) ва Сардоба 2 та (1,8 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвеститциялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши *(2019 йилнинг 1 январь ҳолатига)*

	бирлик	*Жамига нисбатан % да*
Вилоят бўйича	**109**	**100**
шаҳарлар:		
Гулистон	22	20,2
Ширин	2	1,8
Янгиер	12	11,0
туманлар:		
Боёвут	3	2,8
Гулистон	1	0,9
Мирзаобод	7	6,4
Оқолтин	3	2,8
Сардоба	2	1,8
Сайхунобод	8	7,4
Сирдарё	48	44,0
Ховос	1	0,9

Фаолият кўрсатаётган 109 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 76 таси (69,7 %) саноат, 10 таси (9,2 %) савдо, 6 таси (5,5 %) қурилишда, 1 таси (0,9 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 8 таси (7,3 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 4 таси (3,9 %) ташиш ва сақлашда ҳамда 4 таси (3,7 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар турларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши

(2019 йилнинг 1 январь ҳолатига)

	бирлик	*Жамига нисбатан % да*
Жами	**109**	**100**
шу жумладан:		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	8	7,3
саноат	76	69,7
қурилиш	6	5,5
савдо	10	9,2
ташиш ва сақлаш	4	3,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1	0,9
бошқа турлари	4	3,7

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 28 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 тага ёки 1,9 баробарга ошган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 2 та, Туркия Республикаси – 3 та, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги – 2 та, Хитой Халқ Республикаси – 17 та, Тожикистон Республикаси – 1 та, Озарбайжон Республикаси – 1 та, Қозоғистон Республикаси – 1 та ва Жанубий Корея Республикаси – 1 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

28 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Сирдарё (14 та) тумани ва Гулистон (5 та) шаҳри ҳиссаларигa тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг энг кам ташкил этган туманлар қаторига Боёвут, Сайхунобод, Сардоба туманларида (1 тадан) ҳамда Янгиер шаҳрида ва Мирзаобод туманида (3 тадан) ташкил этилган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши

	бирлик	*Жамига нисбатан % да*
Вилоят бўйича	**28**	**100**
шаҳарлар:		
Гулистон	5	17,9
Ширин	-	
Янгиер	3	10,7
туманлар:		
Боёвут	1	3,6
Гулистон	-	-
Мирзаобод	3	10,7
Оқолтин	-	-
Сардоба	1	3,6
Сайхунобод	1	3,6
Сирдарё	14	50,0
Ховос	-	-

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 21 та, савдода 1 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 3 та, қурилишда 2 та ва ташиш ва сақлашда 1 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, *бирликда*

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмларини кенгайтиришда етарли даражада ишлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли, айрим ҳудудларда хорижий инвеститцияларни жалб қилишда беқарорлик сақланиб қолмоқда. Жумладан Гулистон, Ховос туманларида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар бор йўғи 1 тадан мавжуд. Шу билан бирга, 2019 йил 1 январь ҳолатига 3 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмаётган корхоналар рўйхатида турибди. Булар Гулистон (1 та) шаҳар, Мирзаобод (1 та) ва Сирдарё (1 та) туманларидир.

Оилавий корхоналар. Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2019 йил 1 январь ҳолатига 94 тани ташкил этиб, улардан 89 таси ёки 94,7 % фаолият юритмоқда.

Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, *бирликда*



VIII. ХИЗМАТЛАР

2019 йил 1 январь ҳолатига вилоятда 10367 та фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар қайд этилди. Шундан, хизматлар соҳасида 6863 та корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8,0 % га кўпайди.

Хизматлар соҳасига тааллуқли фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони, бирликда

(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

01.01.2019й.ҳолатига



Инновацион хизматларни жорий этиш ва анъанавий хизматларни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга оширилиши ишлаб чиқарилган бозор хизматлар ҳажмини ошишига олиб келди. Натижада, 2018 йил январь-декабрь ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 1941,1 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,7 % га ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш

(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

	Млрд.сўм	*Ўсиш суръати, %*	*Жамига нисбатан %*
Хизматлар – жами	**1941,1**	**109,7**	**100,0**
шу жумладанасосий турлари бўйича:			
алоқава ахборотлаштириш хизматлари	154,2	107,9	7,9
молиявий хизматлар	311,1	134,8	16,0
транспорт хизматлари	367,5	102,7	18,9
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	353,5	104,6	18,2
яшаш ва овқатланиш хизматлари	49,7	104,9	2,6
савдо хизматлари	632,9	102,1	32,6
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	58,3	103,1	3,0
таълим соҳасидаги хизматлар	89,1	137,6	4,6
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	27,8	116,9	1,4
ижара хизматлари	46,9	142,4	2,4
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	59,9	103,4	3,1
шахсий хизматлар	56,0	103,5	3,0
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	21,8	106,3	1,1
бошқа хизматлар	65,9	104,9	3,4

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида энг кўп савдо хизматлари (632,9 млрд.сўм), транспорт хизматлари (367,5 млрд.сўм) ва молиявий хизматлар (311,1млрд.сўм) ни ташкил этди.

Энг кичик ҳажм меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (21,8 млрд.сўм), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (27,8 млрд.сўм), ижара хизматлари (46,9 млрд. сўм) ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматлари (49,7 млрд.сўм) га тўғри келди.

Ҳисобот даврида энг юқори ўсиш суръатлари ижара хизматларда (142,4 %), таълим сохасидаги хизматларда (137,6 %), молиявий хизматларда (134,8 %) ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларда (116,9 %) кузатилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, %

(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Хизматлар таркибида савдо хизматлари (32,6%), транспорт хизматлари (18,9 %), молиявий хизматлар (16,0 %) ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (7,9 %) улуши устунлик қилди.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,4 %) ҳамда меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,1 %) га тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби
(жамига нисбатан фоизда, катта улушга эга бўлганлар)
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

Сирдарё вилоятининг туман, шаҳарлар кесимида бозор хизматлари ишлаб чиқариш *(2018 йилнинг январь–декабрь ҳолатига)*

	млрд. сўм	*2017йил январь-декабрга нисбатанфоиз ҳисобида*	*Туман, шаҳарларнинг улуши фоиз ҳисобида*
Жами хизматлар	**1941,1**	**109,7**	**100,0**
шаҳарлар:			
Гулистон	949,1	112,9	48,9
Ширин	26,0	107,2	1,3
Янгиер	142,7	105,6	7,4
туманлар:			
Оқолтин	51,7	109,4	2,7
Боёвут	86,0	104,8	4,4
Сайхунобод	116,5	118,0	6,0
Гулистон	75,1	104,9	3,9
Сардоба	67,6	96,3	3,5
Мирзаобод	91,8	106,4	4,7
Сирдарё	253,1	106,3	13,0
Ховос	81,5	108,0	4,2

Сирдарё вилоятининг туман, шаҳарлар бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида етакчи ўринни Гулистон (48,9 %) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга Сирдарё тумани (13,0 %), Янгиер (7,4 %) шаҳри, Сайхунобод (6,0 %) ва Мирзаобод (4,7 %) туманларида энг юқори улуш кузатилди.

Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши,
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун % ҳисобида)



Кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмидаги энг кичик улуш қуйидаги ҳудудлар Ширин (1,3 %) шаҳри, Оқолтин (2,7 %), Сардоба (3,5 %) ва Гулистон (3,9 %) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Ҳудудлар орасида юқори ўсиш суръатлари Сайхунобод (118,0 %) туманида, шу билан бирга Гулистон (112,9 %) шаҳри, Оқолтин (109,4 %) ҳамда Ховос (108,0 %) туманларида кузатилди.

Ҳудудлар кесимида ишлаб чиқарилган хизматларнинг ўсиш суръати,
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун % ҳисобида)



Энг паст ўсиш суръатлари Сардоба (96,3%) ва Боёвут (104,8 %) туманларида ҳамда Янгиер (105,6 %) шаҳрида кузатилди.

2018 йил январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 2359,2 минг сўмни ташкил қилди ва ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 107,9 % ни ташкил этди.

Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати

(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Гулистон шаҳрида – 10712,5 минг сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,0 % ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Боёвут (681,9 мингсўм), Ховос (878,3 минг сўм), ва Оқолтин (1024,8 минг сўм), туманларида кузатилди.

Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг таркибини, етарлича ривожланган жамият ва ривожланган эҳтиёжлар билан такомиллаштириш мумкин ва бу умуман ҳаёт сифати каби ҳодиса билан боғлиқ, чунки турли эҳтиёжларни қондириш жараёни ҳаёт сифатининг муайян стандартини яратади.

IX. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2018 йил январь– декабр ойларида барча турдаги транспортлар томонидан 14,4 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан 105,2 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 228,1 млн.тн–км.ни ташкил қилди ёки 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан 2,9 фоизга ўсди.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2018 йил январь–декабрь	*Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида*
Ташилган юклар, *млн. тн.*	**14,4**	**105,2**
автомобиль транспортида	14,4	105,2
Юк айланмаси, *млн. тн–км*	**228,1**	**102,9**
автомобиль транспортининг	228,1	102,9

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортидаги юк айланмаси 2017 йил январь-декабрига нисбатан 2,9 фоизга кўпайди ва 135,4 млн, тн-км, ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 95,6 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-декабрида 93,8 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2018 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 80,1 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,0 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 3,2 фоизга кўпайиб, 2310,2 млн, йўловчи-км, ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январь–декабрь	*Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида*	*Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида*
Ташилган йўловчилар, *млн. Киши*	**80,1**	**100,0**	**104,0**
автомобиль транспортида	80,1	100,0	104,0
Йўловчи айланмаси, *млн. йўловчи–км*	**2310,2**	**100,0**	**103,2**
автомобиль транспортида	2310,2	100,0	103,2

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобиль транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-декабрига нисбатан 3,4 фоизга кўпайди ва 2270,7 млн. йўловчи-км, ни ташкил қилди, Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 98,3 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-декабрда 98,1 фоиз).

Транспорт турлари бўйича юк ташиш, юк айланмаси, йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси (2018 йил январь-декабрь ойларида)

X. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

2018 йилнинг январь–декабрида чакана савдо товар айланмаси 2275,5 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,5 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 15,8 % га камайиши кузатилиб, ҳажми 145,5 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 6,4 % ни ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 8,4 % га ўсиб, ҳажми 724,8 млрд. сўмни ташкил этди. Вилоят бўйича жами чакана савдо товар айланмасида ҳажмида 31,9 улушга эга бўлди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 1405,2 млрд. сўми якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисобига тўғри келди ва 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 3,5 % га кўпайди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 61,7 % га тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби

(2018 йилнинг январь–декабрь ойларида, % ҳисобида)

Нодавлат мулки 2275,5 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 103,5 % ни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 100,0 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Гулистон шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 39,3 % ташкил этди, Сирдарё тумани 11,3 %, Гулистон тумани 8,5 % ташкил этган бўлса, Оқолтин тумани 3,9 %, Ховос тумани 3,5 % ва Ширин шаҳри 1,2 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши

%, ҳисобида



2018 йилнинг январь-декабрь ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмасида ўсиш суръати 84,2 % ни ташкил этди. Ўз навбатида, Сайхунобод тумани (2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 2,1м кўп) юқори ўсишини ташкил этган бўлса, Сардоба тумани (84,4 % кам), Ширин шаҳар (87,4 % кам) паст кўрсткични қайд этди.

Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 39,9 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,5 % га ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 1,8 % ни ташкил этди. Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Гулистон шаҳри (43,1 %), Мирзаобод (19,2 %) ҳамда Сирдарё (10,3 %) туманларида кузатилган бўлса, энг паст кўрсаткич Сардоба (0,2 %), Ховос (0,9 %) ва Боёвут (2,0 %) туманларида ташкил этди.

Ҳудудлар бўйича чакана товар айланмаси

(умумий овқатланишни қўшган ҳолда)

	Жами		Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2017 йил январь-декабрга нисбатан % да	минг сўм	2017 йил январь-декабрга нисбатан % да
Сирдарё вилояти	**2275,5**	**103,5**	**2765,5**	**101,8**
шаҳарлар:				
Гулистон	894,2	114,6	10092,9	113,7
Ширин	27,4	89,1	1482,4	88,5
Янгиер	173,7	98,3	4135,3	96,4
туманлар:				
Боёвут	116,6	94,4	924,7	92,8
Гулистон	192,3	97,5	2759,7	95,2
Мирзаобод	159,8	92,9	2266,2	91,0
Оқолтин	87,7	92,7	1737,0	91,3
Сардоба	194,1	100,0	3027,8	98,1
Сайхунобод	92,5	107,4	1227,8	105,6
Сирдарё	256,7	99,8	2058,1	98,4
Ховос	80,5	93,5	867,7	92,1

Чакана савдо товар айланмаси (овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига 1,8 % га ошиб, 2765,5 минг сўмни ташкил этди (2017 йил январь-декабрь ойларида 2271,1 минг сўмни ташкил қилган). Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичи Гулистон (10092,9 минг сўм) ва Янгиер шаҳарларида (4135,3 минг сўм) ва Сардоб (3027,8 минг сўм) туманида, энг паст кўрсаткичи эса Ховос (867,7 минг сўм), Боёвут (924,7 минг сўм) ва Сайхунобод (1227,8 минг сўм) туманларида қайд этилди.

2018 йилнинг ўтган даври мобайнида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмасидаги улиши 1,8 фоизни ташкил этиб, ҳажми 39,9 млрд. сўмга етди ёки ўтган йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 5,4 фоизга ўсишга эришилди. Бунда жами савдо айланмасининг 100,0 фоиз улуши кичик тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келмоқда.

Шунингдек, чакана савдо товар айланмасида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши бўйича Сардоба (99,7 %), Гулистон (99,1 %), Оқолтин ва Ховос (99,0 % дан) туманлари етакчилик қилмоқда.

2018 йил январь-декабрь учун аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси, (минг сўм)



Чакана савдо айланмасида
йирик корхоналар ва кичик тадбиркорликнинг улуши,%



2018 йилнинг январь–декабрида улгуржи савдо товар айланмаси 1144,7 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 106,5 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 5,2 % га кўпайиши кузатилиб, ҳажми 509,1 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 7,5 % га кўпайиб, 635,6 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 55,5 % ни ташкил қилди.

Ҳудудлар бўйича улгуржи савдо товар айланмаси

	млрд. сўм	*Жамига нисбатан, % да*	*2017 йил январь-декабрга нисбатан % да*
Сирдарё вилояти	**1144,7**	**100,0**	**106,5**
шаҳарлар:			
Гулистон	412,4	36,0	107,6
Ширин	0,4	-	109,0
Янгиер	17,5	1,5	85,4
туманлар:			
Боёвут	106,5	9,3	96,4
Гулистон	29,3	2,6	140,
Мирзаобод	67,7	5,9	110,6
Оқолтин	27,6	2,4	125,8
Сардоба	80,4	7,0	86,5
Сайхунобод	120,3	10,5	121,1
Сирдарё	247,8	21,6	99,3
Ховос	34,8	3,0	234,8

Ҳудудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми

(млрд.сўм)

	Жами	*Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % да*	*Йирик корхоналар*	*Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % да*	*Кичик корхоналар*	*Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % да*
Сирдарё вилояти	**1144,6**	**106,5**	**509,1**	**105,2**	**635,5**	**107,5**
шаҳарлар:						
Гулистон	412,4	107,6	102,4	81,6	310,0	120,2
Ширин	0,4	109,0	-	-	0,4	107,7
Янгиер	17,5	85,4	-	-	17,5	104,5
вилоятлар:						
Боёвут	106,4	96,4	101,7	96,0	4,7	105,0
Гулистон	29,3	140,6	22,3	151,0	7,0	115,3
Мирзаобод	67,7	110,6	18,1	168,5	49,6	98,2
Оқолтин	27,6	125,8	24,2	128,2	3,4	110,9
Сардоба	80,4	86,5	79,4	86,3	1,0	105,7
Сайхунобод	120,3	121,1	93,3	123,8	27,0	112,7
Сирдарё	247,8	99,3	34,8	142,6	213,0	94,6
Ховос	34,8	234,8	32,9	258,1	1,9	91,1

XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Сирдарё вилоятининг ташқи савдо айланмаси 2018 йилнинг январь–декабрида 304,3 млн. АҚШ долларини, жумладан экспорт – 131,4 млн. АҚШ долларини, импорт – 172,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ташқи савдо сальдоси минус 41,5 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ давлатлари билан плюс 29,8 млн. АҚШ долларини ва бошқа давлатлар билан минус 71,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси
(2018 йилнинг январь–декабрида)

	Млн. АҚШ доллари	*2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан % да*	*Жамига нисбатан % да*
Ташқи савдо айланмаси	**304,3**	**105,2**	**100,0**
МДҲ давлатлари	125,0	146,5	41,1
бошқа давлатлар	179,3	88,0	58,9
Экспорт	**131,4**	**90,9**	**100,0**
МДҲ давлатлари	77,4	145,6	58,9
бошқа давлатлар	54,0	59,0	41,1
Импорт	**172,9**	**119,6**	**100,0**
МДҲ давлатлари	47,6	148,0	27,5
бошқа давлатлар	125,3	111,5	72,5
Сальдо	**-41,5**	**х**	**х**
МДҲ давлатлари	29,8	Х	х
бошқа давлатлар	-71,3	Х	х

Январь-декабрь ойларида МДҲ ва бошқа давлатларнинг вилоят ташқи савдо айланмасидаги улуши *(% ҳисобида)*

Ташқи савдо айланмасида экспорт ва импортнинг улуши
(чорак учун, % ҳисобида)



Сирдарё вилояти резидентлари томонидан ташқи савдо операциялари асосан Осиё (жами товар айланмасидаги улуши 77,3 %), Европа (21,9 %) ва Америка (0,4 %) давлатлари билан амалга оширилган бўлиб, жами савдо айланмасининг 99,6 % ини ташкил қилди.

Сирдарё вилояти ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича тақсимланиши
(2018 йилнинг январь–декабрида)

(млн. АҚШ доллари)

	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланмаси	
			2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан % да	Жамига нисбатан % да
Жами [1)]	**131,4**	**172,9**	**105,2**	**99,6**
шу жумладан:				
Европа	27,0	39,8	99,7	21,9
Осиё	104,4	132,0	106,3	77,3
Америка	-	1,1	100,0	0,4

МДҲ давлатлари орасида Россия ва Қозоғистон давлатлари, ташқи савдо айланмасида асосий хамкорлар ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 36,0 фоизни ташкил қилади, бошқа давлатлар орасида Хитой, Туркия, Корея Республикаси, Эрон, Германия ва Австрия давлатлари ҳисобланади ва уларнинг улуши 51,6 фоизини ташкил қилади.

2018 йилда товар ва хизматларнинг ойлик экспорт-импорт кўрсаткичлари динамикаси
(млн. АҚШ доллари)



[1)] *Тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда.*

Сирдарё вилояти ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар
(2018 йилнинг январь–декабрида)

Дунёдаги мамлакатлар орасида экспортда асосий хамкор давлатлар Қозоғистон, Хитой, Россия, Эрон, Туркия, Афғонистон, Украина, Тожикистон, Покистон, Туркманистон, Беларусия, Қирғизистон, Вьетнам, БАА, Ироқ ва Хиндистон ҳисобланиб, уларнинг жами экспортдаги улуши 98,4 % ни ташкил қилган бўлса, импортда Хитой, Россия, Қозоғистон, Корея Республикаси, Туркия, Туркманистон, Германия, Австрия давлатларининг улуши 88,7 % ни ташкил этмоқда.

Сирдарё вилояти товар айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси
(2018 йилнинг январь–декабрида)

(млн. АҚШ доллари)

	Экспорт	*Импорт*	*Ташқи савдо айланмаси*	
			Вилоят товар айланмасидаги улуши, % да	*2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан % да*
Хитой	33,4	77,6	36,5	119,7
Қозоғистон	46,2	18,3	21,2	151,2
Россия	22,9	21,6	14,6	164,8
Туркия	5,6	9,8	5,1	106,9
Корея Республикаси	-	13,7	4,5	87,8
Эрон	5,9	2,5	2,7	41,2
Туркманистон	1,6	4,9	2,1	4,3м
Германия	-	4,2	1,4	63,6

Экспорт таркибининг асосий улуши 43,9 % билан бошқалар гуруҳи ва 33,9 % билан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25,8 % га ўсди.

Импорт таркибининг асосий улуши 35,2 % билан машина ва асбоб-ускуналар гуруҳи ҳамда 29,5 % билан кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар гуруҳи ҳиссасига тўғри келмоқда.

2018 йил январь-декабрь ҳолатига экспорт ва импорт таркиби

	Млн. АҚШ доллари	*2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан % да*	*Жамига нисбатан % да*
Экспорт	**131,4**	**90,9**	**100,0**
пахта толаси	11,6	42,3	8,8
озиқ-овқат маҳсулотлари	44,5	125,8	33,9
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	6,2	4,5м	4,7
қора ва рангли металлар	0,1	2,1	0,1
машина ва асбоб-ускуналар	8,9	115,9	6,8
хизматлар	2,5	173,3	1,9
бошқалар	57,6	87,7	43,8
Импорт	**172,9**	**119,6**	**100,0**
озиқ-овқат маҳсулотлари	12,5	73,4	7,2
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	50,9	114,9	29,5
энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари	8,6	23,2м	5,0
қора ва рангли металлар	4,0	66,5	2,3
машина ва асбоб-ускуналар	60,9	129,0	35,2
хизматлар	0,1	104,0	-
бошқалар	35,9	121,4	20,8

Товар ва хизматлар экспортининг таркиби, жамига нисбатан % да
(ташқи айлана 2018 йил январь-декабрь,
ички айлана 2017 йил январь-декабрь учун)



Товар ва хизматлар импортининг таркиби, жамига нисбатан % да
(ташқи айлана 2018 йил январь-декабрь,
ички айлана 2017 йил январь-декабрь учун)

2018 йил январь-декабрь ҳолатига МДҲ ва бошқа давлатлар бўйича экспорт ва импорт таркиби

	МДҲ давлатлари		*бошқа давлатлар*	
	млн. АҚШ доллари	*жамига нисбатан % да*	*млн. АҚШ доллари*	*жамига нисбатан % да*
Экспорт	**77,4**	**100,0**	**54,0**	**100,0**
пахта толаси	1,7	2,2	9,8	18,2
озиқ-овқат маҳсулотлари	26,7	34,5	17,8	32,9
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	6,1	7,8	0,1	0,2
қора ва рангли металлар	-	-	0,1	0,2
машина ва асбоб-ускуналар	8,0	10,4	0,9	1,6
хизматлар	1,1	1,4	1,3	2,5
бошқалар	33,8	43,7	24,0	44,4
Импорт	**47,6**	**100,0**	**125,3**	**100,0**
озиқ-овқат маҳсулотлари	8,5	18,0	3,9	3,1
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	13,9	29,1	37,0	29,6
энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари	8,3	17,5	0,3	0,2
қора ва рангли металлар	2,1	4,5	1,9	1,5
машина ва асбоб-ускуналар	3,3	6,8	57,6	46,0
хизматлар	-	-	0,1	0,1
бошқалар	11,5	24,1	24,5	19,5

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятимизга 44 дан ортиқ хорижий давлатлардан товар ва хизматлар импорти амалга оширилган. Шулардан Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Корея Республикаси, Туркия каби 5 та энг йирик бўлган ҳамкор давлатларнинг жами импорт ҳажми 140,9 млн. АҚШ долларига тенг. Бу эса умумий импорт ҳажмининг 81,5 % ини ташкил қилади.

МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади

(2018 йилнинг январь- декабрида)

Экспорт



Импорт



XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига Сирдарё вилояти бўйича доимий аҳоли сони 829,7 минг кишини ташкил этиб, йил бошига нисбатан 13,9 минг кишига етди ёки 1,7 % га ўсди.

Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 354,7 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 42,8 %), қишлоқ аҳолиси сони 475,0 минг кишини (57,2 %) ташкил этди.

Туман, шаҳарлар бўйича
доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2019 йил 1 январь ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			*Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, %*		
	Жами	*шу жумладан:*		*Жами*	*шу жумладан:*	
		шаҳар	*қишлоқ*		*шаҳар*	*қишлоқ*
Сирдарё вилояти	**829,7**	**354,7**	**475,0**	**101,7**	**101,4**	**102,0**
Гулистон ш.	89,0	68,2	20,8	100,9	101,0	100,5
Ширин ш.	18,5	18,5	-	100,0	100,0	-
Янгиер ш.	42,4	42,4	-	101,9	101,9	-
Оқолтин т.	50,9	33,1	17,8	101,4	101,8	100,6
Боёвут т.	127,2	28,3	98,9	101,8	102,2	101,7
Гулистон т.	70,6	28,4	42,2	102,5	100,7	103,7
Сайхунобод т.	75,9	20,9	55,0	101,7	102,0	101,7
Мирзаобод т.	71,2	6,1	65,1	102,2	101,7	102,2
Сардоба т.	64,7	18,0	46,7	102,1	102,9	101,7
Сирдарё т.	125,7	58,7	67,0	101,5	101,2	101,8
Ховос т.	93,6	32,1	61,5	101,7	100,6	102,3

Сирдарё вилояти ҳудудлари кесимида 2019 йил 1 январь ҳолатига энг кўп аҳоли сони Боёвут туманида 127,2 минг кишини (вилоят аҳоли сонидаги улуши 15,3 %), Сирдарё туманида 125,7 минг кишини (15,2 %), Ховос туманида 93,6 минг кишини (11,3 %) ва Гулистон шаҳрида 89,0 минг кишини (10,7 %) ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши

(2019 йил 1 январь ҳолатига; вилоят жами аҳолисига нисбатан, % да)



Фоизда

Доимий аҳоли сонининг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

(2018 йил 1 январь ҳолатига; жами аҳолига нисбатан % да)

Сирдарё вилояти



Дастлабки маълумотларга кўра 2018 йил 1 январь ҳолатига Сирдарё вилояти доимий аҳоли сонининг 30,7 % меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 60,8 % меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 8,5 % меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Сирдарё вилояти аҳолисининг табиий ҳаракати

(январь-декабрь)

Кўрсаткичлар	*Минг киши*		*1000 аҳолига нисбатан*	
	2017 йил	*2018 йил*	*2017 йил*	*2018 йил*
Туғилганлар	17,6	18,3	21,8	22,3
Ўлганлар	4,0	3,8	5,0	4,6
шу жумладан: 1 ёшгача ўлган болалар	0,2	0,2	12,8	12,5
Никоҳлар сони, минг	7,4	8,3	9,2	10,1
Ажримлар сони, минг	1,1	1,1	1,4	1,4

Туғилиш. 2018 йил январь-декабрь ойларида 18,3 мингта бола туғилганлиги қайд этилган бўлиб, 2017 йилнинг мос даврига (17,6 минг бола) нисбатан 0,7 минг болага кўпайди, туғилиш коэффициенти 22,3 промиллени ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида туғилганлар сони ва коэффициенти

(2018 йил январь–декабрь)



1) *1000 туғилганга*

Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Ховос туманида (20,8 промилледан 23,0 промиллега), Янгиер шаҳар (21,3 промилледан 22,2 промиллега), Сардоба туманида (22,8 промилледан 23,2 промиллега), Боёвут туманида (22,3 промилледан 23,3 промиллега) қайд этилди.

Туғилиш коэффициентининг пасайиши Мирзаобод туманида (25,1 промилледан 24,9 промиллега), Ширин шаҳарда (18,1 промилледан 16,6 промиллега), Гулистон туманида (23,4 промилледан 22,7 промиллега), қайд этилди.

Ўлим. 2018 йил январь-декабрь ойларида ўлганлар сони 3790 кишини ташкил этиб, 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 242 кишига камайди, мос равишда ўлим коэффициенти 4,6 промиллени ташкил этди (2017 йил январь- декабрда - 5,0 промилле).

Ҳудудлар кесимида вафот этганлар сони ва коэффициенти

(2018 йил январь–декабрь)



Ўлим коэффициентининг паст даражаси Оқолтин тумани (4,1 промилле), Янгиер шахар (4,8 промилле), Мирзаобод тумани (4,4 промилле), Боёвут тумани (4,3 промилле), Ховос тумани (3,9 промилле) қайд этилди.

Рўйхатга олинган жами ўлганларнинг 62,7 % и қон айланиш тизими касалликларидан, 9,1 % и ўсимталардан, 8,0 % и бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 5,3 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 5,0 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 0,7 % и юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 9,2 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

Ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши
(жами вафот этганларга нисбатан, %)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрь ойларида 1 ёшгача болалар ўлими 221 нафарни ташкил этиб, гўдаклар ўлими коэффициенти 12,5 промиллени (2017 йил январь-декабрда - 12,8 промилле бўлган) ташкил этди.

Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами ўлган болаларнинг 70,6 % и перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 20,3 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 4,3 % и туғма аномалиялардан, 0,5 % и юқумли ва паразитар касалликлардан, 1,9 % и бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан 1,0 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 0,5 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

Никоҳ. 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ФҲДЁ органлари томонидан 8309 та никоҳ қайд этилди, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 10,1 промиллени ташкил этди.

*2018 йил мобайнида вилоят бўйича **энг кўп никоҳ** октябрь ойида кузатилиб, 1203 бирликни ташкил этган.*

Никоҳ тузиш коэффициентининг сезиларли ўсиши Сардоба тумани (8,9 дан 10,6 промиллега), Гулистон тумани (9,0 дан 10,7 промиллега), Оқолтин тумани (9,2 дан 10,5 промиллега), Янгиер шаҳар (10,2 дан 11,1 промиллега) ва Сирдарё тумани (8,7 дан 9,6 промиллега) кузатилди.

Ҳудудлар кесимида тузилган никоҳлар сони ва коэффициенти
(2018 йил январь–декабрь)

Никоҳдан ажралишлар. 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ФҲДЁ органлари томонидан 1111 та никоҳдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти 1,4 промиллени ташкил этди.

Никоҳдан ажралиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Гулистон шаҳарда (2,3 дан 2,6 промиллега) ва Гулистон туманида (0,9 дан 1,2 промиллега), кузатилди.

Ҳудудлар кесимида никоҳдан ажралишлар сони ва коэффициенти
(2018 йил январь–декабрь)

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 8,6 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 9,3 минг кишини ташкил этди.

Шунга мувофиқ, миграция сальдоси минус 0,7 минг киши (2017 йилнинг мос даврида минус 1,0 минг киши)ни ташкил этган.

Миграция сальдосининг юқори даражаси Гулистон (минус 0,5) шаҳар, Оқолтин (минус 0,2), Сайхунобод (минус 0,1) ҳамда Ховос (минус 0,2) туманларида қайд этилди.

Миграция сальдоси ижобий даражаси Гулистон (плюс 0,4) туманида кузатилди.

Аҳоли миграцияси

(январь-декабрь, минг киши)

	Келиш		Кетиш		Миграция сальдоси	
	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й.
Сирдарё вилояти	**7651**	**8599**	**8417**	**9308**	**-766**	**-709**
Гулистон шаҳар	1104	1342	1633	1849	-529	-507
Ширин шаҳар	236	213	346	368	-110	-155
Янгиер шаҳар	874	805	562	751	312	54
Оқолтин тумани	560	465	586	632	-26	-167
Боёвут тумани	844	1022	1009	1091	-165	-69
Гулистон тумани	837	1067	597	632	240	435
Сайхунобод тумани	542	447	589	600	-47	-153
Мирзаобод тумани	690	919	697	831	-7	88
Сардоба тумани	430	543	557	576	-127	-33
Сирдарё тумани	787	882	938	918	-151	-36
Ховос тумани	747	894	903	1060	-156	-166

XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи[1] 2018 йил декабрь ойида 1 723,9 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 6,2 % га ўсди. 2018 йил январь-декабрь ойлари учун ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 540,1 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 2,4 % га ўсди.

Ўртача иш ҳақининг юқори миқдори иқтисодий фаолият турларининг банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятида - 2 346,0 минг сўм (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 65,6 % га юқори), Савдода - 2 540,6 минг сўм (60,6 %), қурилишда - 2 190,5 минг сўм (70,3 %) кузатилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2018 йил январь-декабрь)



[1] *Бу ерда ва кейинги ўринларда дастлабки маълумотлар, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган*

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

(минг сўм)

	Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм
Сирдарё вилояти	**1540,1**
шу жумладан:	
Саноат	1934,4
Қурилиш	2190,5
Савдо	2540,6
Ташиш ва сақлаш	1337,6
Аҳборот ва алоқа	1321,4
Молиявий ва суғурта фаолияти	2346,0
Таълим	1404,2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳизматлар кўрсатиш	1240,8
Бошқа фаолият турлари	1546,3

Сирдарё вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(қишлоқ ҳўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

(минг сўм)

	Январь-декабрь		*Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, %*	
	2017 й.	*2018 й.*	*2017 й.*	*2018 й.*
Сирдарё вилояти	**1257,8**	**1540,1**	**100,0**	**100,0**
Гулистон шаҳар	1400,4	1667,8	111,3	108,3
Ширин шаҳар	1480,3	1972,2	117,7	128,1
Янгиер шаҳар	1314,3	1643,1	104,5	106,7
Оқолтин тумани	1154,9	1390,7	91,8	90,3
Боёвут тумани	1078,4	1297,9	85,7	84,3
Гулистон тумани	1072,3	1366,1	85,3	88,7
Сайхунобод тумани	1203,0	1639,5	95,6	106,5
Мирзаобод тумани	1138,6	1312,8	90,5	85,2
Сардоба тумани	1164,2	1450,2	92,6	94,2
Сирдарё тумани	1213,8	1458,8	96,5	94,7
Ховос тумани	1181,7	1444,4	93,9	93,8

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди (2018 йил январ-декабрь ойларида 501,9 минг сўмни ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ
2018 ЙИЛ
ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ

Нашрга масъул:
Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими
тел. (0-367)225-02-98

Буюртма рақами №__ ___.___.19 й. Тираж ___ нусха

Сирдарё вилояти статистика бошқармаси
Гулистон ш., Н.Маҳмудов кўчаси, 62-уй
www.sirstat.uz